

Япония ёқилғи-энергетика тизими: тарихий ривожланиш босқичлари ва замонавий тенденциялар

Алимов Оқилиддин Исамутдинович

Тошкент давлат шарқшунослик университети “Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил маркази” директори, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

АННОТАЦИЯ; Япониянинг ўз табиий энергия ресурсларига эга эмаслиги мамлакат энергетика сиёсати ва стратегияси энергия ресурсларини етказиб берувчи давлатлар билан ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатиш, изчил ва конструктив энергетика сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, янги муқобил энергия манбаларини вужудга келтириш ва шу орқали мамлакатнинг энергетика тизими хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлигини англатади.

Калит сўзлар: ёқилғи-энергетика, тенденция, минтақавий монополия, нефть

Япония энергетика соҳасининг ривожланиш тарихини 8 босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчи босқич. Японияда энергетика секторининг пайдо бўлиши ва шаклланиши (1883-1906). Ушбу даврда кўплаб электр энергия компанияларининг паст қувватли иссиқлик энергиясини ўтказиш тизимларидан фойдаланганлиги сабабли компаниялар ўртасида рақобат деярли йўқ эди. Бу босқич Япониянинг энергетика бозорида таклиф ва талаблар мувозанатини сезиларли даражада ўзгартирган 1907 йилда Комахаши гидроэлектростанциясининг очилишигача бўлган энергетика соҳаси ривожланиши даврини қамраб олади.

Иккинчи босқич. Япония энергетика соҳасида (1907-1931) бозор муносабатларининг ривожланиши ва рақобатнинг пайдо бўлиши. Бу даврда гидроэнергетика ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ва узун электр узатиш линиялари ва ўрта электр тармоқларини ишга соладиган минтақавий электр компаниялари ўртасида бозор рақобати кучли бўлди.

Учинчи босқич. Япония энергетика секторида минтақавий монополияни ўрнатиш босқичи (1932-1938 йиллар). Япония энергетика тизимида бозор рақобатининг тўхтатилиши ва минтақавий монополияларни яратишга бўлган уринишларга қарамай, энергетика компаниялари паст нархларда электр

энергиясини сотишни давом эттирдилар ва шу давр мобайнида истеъмолчиларга мунтазам етказиб беришга эришилди. Ҳар бир етказиб бериш зонасида электр узатиш линияларининг тизимлари сезиларли даражада такомиллаштирилди ва кенгайтирилди, иссиқлик энергетика компаниялари мамлакат бўйлаб ҳар жойда пайдо бўла борди. Мазкур босқичда электр истеъмолининг ўсиш суръатлари олдинги даврга нисбатан сезиларли даражада ортди.

Тўртинчи босқич. 1939-1951 йиллар Япония энергетика сиёсатининг урушдан олдинги даврини камраб олади. Бу давр, хусусан, энергетика соҳасидаги сиёсатни “кўмир энергияси”ни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ҳисобига ўзгартирилиши билан изоҳланади. Иккинчи жаҳон уруши эса Японияни мамлакатнинг энергетика стратегиясини қайта кўриб чиқишга мажбур қилади. Айнан шу даврда Япония энергия ресурсларининг кескин тақчиллигига дуч келади.

Бешинчи босқич. Урушдан кейинги давр (1951-1973 йиллар). Минтақавий монополияларнинг Япония энергетика секторидаги бозор рақобатини деярли бутунлай бартараф этиш даври бўлди. Шунга қарамай самарали рақобат ҳам давом этди. Хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлик субъектларининг тўлиқ ривожланиш имконияти юзага келди, шунингдек, барча даражаларда бизнес алоқаларини узлуксиз такомиллаштириш, самарали иқтисодий муҳитни вужудга келтириш фаоллашди¹. Ушбу босқичда атом энергетикаси ҳам тобора ривожланиб борди.

Олтинчи босқич. Нефть инқирозидан кейинги тикланиш даври (1974-1994). Ушбу давр йирик энергетика инқирозлари (1972-1979 йиллар), минтақавий монополияларнинг янада ривожланиши ва бозор рақобатининг сусайиши билан изоҳланади.

Еттинчи босқич. Фукусима атом электр станциясидаги аварияга қадар бўлган давр (1995-2011). Ушбу даврда энергетика савдосини либераллаштириш, адолатли рақобат ва ишлаб чиқаришнинг вертикал интеграцияси билан бир қаторда шаффоф бозор муҳити вужудга келди. Электр энергияси бозорининг тартибга солиниши билан электр товарларни улгуржи ва чакана секторлари ўртасида қисман бозор рақобати бошланди.

¹ Круглова Н.Ю. Основы бизнеса. Учебник для вузов. – М.: Издательство РДІ, 2005. – 560 с.



Саккизинчи босқич. Замоनावий босқич (2011-2018 йиллар). Бу давр Япония энергетикаси тарихига Фукусима атом электр станциясидаги фалокатдан сўнг мамлакат энергетика сиёсатида туб ўзгаришлар ясаган, энергетика сиёсатининг тамомила янги архитектураси шаклланиши даври бўлиб кирди.

Японияда биринчи электр энергетикаси компанияси 1883 йилда “Токио электр ёритиш” (東京電燈) – “Токио дэнто” номи билан ташкил этилган² бўлиб, Япония энергетика сиёсатининг вужудга келиши ва ривожланишига замин яратди. Бошқа электр энергия компаниялари пайдо бўлганидан кейин, Япония энергетика соҳасидаги вазият ўзгаришларга юз тутди. Биринчидан, 1887 йил сентябрда “Нагоя Дэнто” ташкил этилди, сўнг бирин-кетин Япониянинг энергетика бозорида электр энергия ишлаб чиқарувчи компаниялар сони кўпайиб борди. Мамлакатнинг муайян ҳудудларида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳуқуқи учун рақобат бошланди ва ҳар 9 минтақанинг бирида (Хоккайдо, Тохоку, Канту, Чубу, Хокурику, Кансай, Чугоку, Шикоку ва Кюсю) электр компаниялари ваколатхоналари ташкил этилди. Шу билан бирга, электр энергиясига талаб кам бўлиб, аввало, Японияда жорий электр таъминот тизимининг технологик камчиликлари мавжуд эди. Электр узатиш тизими тармоқлари узок ҳудудларда яшовчиларга электр энергиясини етказиб бериш учун етарлича ишлаб чиқилмаган, электр энергиясидан тўлақонли фойдаланиш қийин эди. Бундан ташқари, электр энергиясидан фойдаланиш нархи бошқа энергия манбаларидан кўра бир неча баробар қиммат эди. Шунинг учун кўплаб япон уйларида ёруғлик учун керосин лампалар ишлатилган, шаҳар кўчаларини ёритиш учун эса газ фонусларидан фойдаланилган³.

Электр энергиясига бўлган талаб XX асрнинг бошларига келиб 1907 биринчи ГЭСнинг қурилиши ва етказиб бериш учун узун электр узатиш линияларидан фойдаланган ҳолда гидроэнергетика ишлаб чиқаришга киришилганидан сўнг сезиларли ортди. 1907 йилда биринчи Комахаши ГЭСи қурилиши Япония энергетикаси тизимида юз берган туб ўзгаришлар фонида амалга оширилди. 1904-1905-йиллардаги Россия-Япония уруши пайтида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кўмир нархи кескин кўтарилди. Натижада кўмирга бўлган талаб пасайиб электр энергиясига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётган эди. Бундан ташқари, электр

² The history of electricity (Japanese electric power industry and society).The Federation of Electric Power Companies of Japan. <http://www.fepc.or.jp/enterprise/rekishu/index.html>

³ Kikkawa, Takeo. The history of Japan’s electric power industry before world War II. Hitotsubashi journal of commerce and management, 46(1): 1-16. 2012-10. P. 5.



энергияси ишлаб чиқариш нархи ҳам нисбатан пасайди, бу эса кейинчалик Японияда электр энергиясига бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Айти шу даврда АҚШда ҳам 50 кВ юқори кучланишли электр узатиш линиялари ўтказила бошланди.

Вақт ўтиши билан, юқори кучланишли электр узатиш линияларини ўтказиш технологияси бутун дунёга тарқалди, шу жумладан, Японияга ҳам кириб келди. Шундай қилиб, 1907 йилда Япониянинг Комахаши станциясида гидроэлектр энергиясини ишлаб чиқаришни бошлаш узоқ масофали электр узатиш линиялари билан биргаликда мамлакат энергетика соҳасини ривожлантириш тарихидаги муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. 1907 йилга бориб мамлакат ичидаги умумий энергия истеъмолида аҳоли хонадонларидаги гидроэлектр энергия истеъмоли улуши 44,7%, иссиқлик энергияси – 28,2%, иссиқлик ва гидроэнергетика комбинациялари 32,7% ни ташкил этди⁴. Шундай қилиб, Япония энергетика соҳаси учун 1960 йилларга қадар давом этган, мамлакат энергетика сиёсатининг шакллантиришда муҳим қадам бўлган “гидроэнергетика ва иссиқлик энергияси даври” бошланди.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Япония энергетика бозорига “Дайдо дэнрёку” (大同電力株式會) ва “Ниппон дэнки” каби электр энергия компаниялари кириб келди. Гидроэнергетика ривожланишидаги бундай “шовшув” Япония энергетика ишлаб чиқарувчилари ўртасида рақобатни кучайтирди. Япония энергетика бозорига электр энергия компаниялари ўртасидаги рақобат “энергетик таъсир учун кураш” деб номлана бошлади.

1907-1932 йиллар мобайнида электр энергияси истеъмолчилари сони 210 мингдан 11,45 миллион кишига, электромагнит ёриткичлар сони 860 мингдан 37,41 миллионга ортди, ёритиш учун 30 000 кВт дан 960 000 кВт гача электр энергияси истеъмол қилинишига тўғри келди. Бошқача айтганда, 24 йил ичида Японияда электр энергияси истеъмоли бир неча бор ортди. Бу давр рус-япон урушидан сўнг XX асрнинг 30-йилларига қадар “Японияда электр энергия бозорининг жадал ривожланиш даври” деб таърифланиши мумкин.

Япония энергетика бозорининг ушбу даврдаги асосий хусусиятлари электр компаниялари ўртасидаги рақобат ҳамда Япония энергетика бозорига бошқа барча энергия манбалари устидан гидроэнергетиканинг устунлиги билан изоҳланади. 1932 йилда Япониянинг “Электр энергетикаси” кўмитаси (電氣委員會 – “Дэнки инкай”) ва Япония электр энергия компанияларининг федерацияси

⁴ Kikkawa Takeo. The history of Japan’s electric power industry before world War II. Hitotsubashi journal of commerce and management, 46(1): 1-16. 2012-10. P. 6.



хомийлигида “Энергия корхоналари тўғрисида”ги қонунни (電氣事業法 – “Дэнки дзигё хо”) қайта кўриб чиқишнинг илгари сурилиши “Энергетик таъсир учун кураш”нинг якуни бўлди⁵.

1931-1938 йиллар оралиғида Японияда электр энергиясига бўлган талабнинг тез суръатлар билан ўсиши кузатилди. Мамлакат энергетика сиёсатида электр энергиясини ишлаб чиқариш устувор йўналишга айланди. Бироқ, вақт ўтиши билан электр энергиясига бўлган талабнинг ўсиш суръати нисбатан секинлашди. Япония энергетика тарихида янги босқич бошланди.

Японияда энергетика соҳасидаги ривожланишнинг кейинги босқичи (1939-1951) ўша даврларда Япониянинг энергетика сиёсатида иқтисодий омилдан кўра сиёсий омил энг кўп таъсир кўрсата бошлагани билан тафсилланади. Японияда урушгача ва уруш йилларида миллатчилик ва тоталитар мафқуранинг сезиларли таъсири кузатилди, мамлакат энергетика сиёсати давлат томонидан қаттиқ назорат қилинди. Энергия истеъмоли уруш йилларидаги “ҳашамат – душманмиз” принципига бўйсундирилди.

Иккинчи жаҳон урушида Япония илгари сурган мақсадлар турлича бўлиб, аммо хомашё, асосан, ёқилғи-энергетика йўналиши алоҳида аҳамиятга эга эди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Япония уруш йилларида нефть ресурсларидан кафолатли фойдаланишга уриниб келган. Бу Япония уруш йилларида бошдан кечирган нефть ресурсларининг кескин тақчиллиги билан бевосита боғлиқ эди⁶.

1937 йили АҚШ ва унинг иттифоқчилари бўлмиш Британия ва Нидерландия томонидан киритилган нефть эмбаргосини олдиндан кўра билган Япония “синтетик нефть саноати тўғрисида”ги қонунни қабул қилади. Бу қонунни қабул қилиш қарори кўмирдан олинадиган ёқилғини жорий этиш ва ишлаб чиқаришни тезлаштириш зарурати билан боғлиқ эди. Бироқ, бу соҳадаги тараққиёт секинлашди, шунинг учун 1941 йилдаги эмбарго ҳолатида ҳам Япония АҚШдан нефть етказиб берилишига мажбур эди. Бу эса умумий нефть импортининг 80 фоизини ташкил этарди⁷. Бундан ташқари, уруш

⁵ Kikkawa Takeo. The history of Japan’s electric power industry before world War II. Hitotsubashi journal of commerce and management, 46(1): 1-16. 2012-10. P. 12.

⁶ Бирюков А.М. Роль нефтяного фактора в формировании японской внешней политики периода Второй мировой войны//Великая Отечественная – известная и неизвестная: историческая память и современность. Институт российской истории РАН, 2015. С. 167-173.

⁷ Yoshida Phyllis Genter. Japan’s Energy Conundrum. Sasakawa Peace Foundation USA. - p.2 (9 p.) URL: <https://spfusa.org/wp-content/uploads/2017/02/japans-energy-conundrum.pdf>

йиллари Япония энергетика муаммосида Сахалин нефти масаласи ҳам муайян роль ўйнади.

XX асрнинг 50-йиллари Япониянинг энергетика секторини ривожлантириш тарихидаги янги босқичнинг бошланиши бўлди. 1955 йилда кучга кирган Атом энергияси тўғрисидаги асосий қонун асосида 1956 йилнинг ўзида Япония илмий-техника агентлиги (国立研究開発法人科学技術振興機構), Ядро ёқилғиси корпорацияси (動力炉・核燃料開発事業団) ва Япония Атом Энергияси Комиссияси (原子力委員会) ташкил этилди⁸. Шундай қилиб, Япония ҳукумати атом энергиясига таяниб, фақат атом электр станциялари мамлакатнинг энергетика мустақиллигини таъминлай олади, деган хулосага келган эди.

XX асрнинг 60-йилларига келиб, Япония кўмир ёқилғиси ишлаб чиқариш сиёсатидан воз кечди. Тобора ривожланиб бораётган мамлакат ташқи энергия импортига боғлиқ эди. Аввалдан белгиланган энергия сиёсатидан бундай оғиш, асосан, Япония экспортини рағбатлантирувчи импорт қилинадиган нефтдан фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш билан изоҳланади. Ушбу сиёсатнинг жорий қилиниши япон саноатининг келажакдаги иқтисодий ўсишига таъсир кўрсатди. 60-йиллардаги жадал иқтисодий ўсиш даврида мамлакатда маҳаллий нефтни қайта ишлаш саноатини рағбатлантириш сиёсати олиб борилди ва кўмир саноатини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Шундай қилиб, 1973 йилгача Япониянинг энергетика сиёсати таъминотнинг хавфсизлигига эмас, балки кўпроқ энергия ресурслари нархига қаратилди⁹.

1973 йилгача арзон импорт қилинган нефть маҳаллий кўмир ва гидроэнергетика манбаларидан устунлик қилди. Натижада, Япониянинг энергия импортига боғлиқлиги 1955 йилдаги 26% дан 1960 йилда 46% га ва 1973 йилдаги биринчи нефть инқирози шароитида 90% га кўтарилди. 1973-1979 йиллардаги энергетика инқирози даврида Япония иқтисодиёти тарихида жуда мураккаб давр бўлди. Нефть зиддиятлари Япония энергетика сиёсатига таъсир кўрсатмай қолмади. 1973 йилда мамлакатнинг энергияга бўлган эҳтиёжининг 78 фоизи импорт қилинадиган нефть ҳисобига кондирилиб, ушбу

⁸ Гречухин К. Атомная катастрофа в Японии: роль государства в разрешении кризисной ситуации и определения дальнейших перспектив развития ядерной отрасли // Право и управление. XXI век. Томск, No3 (24)/2012).

⁹ Дрякин А.Б. Эволюция энергетической политики Японии и российско-японские отношения в сфере энергетики во второй половине XX-начале XXI века, 2015.– С. 82. URL:http://scjournal.ru/articles/issn_1997-292X_2015_10-1_19.pdf

ресурснинг 80 фоизи Яқин Шарқ мамлакатлари нефти, 17 фоизи эса импорт қилинадиган кўмир ва газ ҳисобидан таъминланарди¹⁰.

Япония нефть импортига қарамликни камайтиришга қаратилган сиёсат юритишга мажбур бўлди ва барча диққат-эътиборни ядро ресурслари, кўмир, суюлтирилган табиий газ ва муқобил энергия каби бошқа энергия манбаларига қарата бошлади. 1979 йилдаги иккинчи нефть инқирози ҳам япон саноати ва иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди¹¹.

1973-1979 йиллардаги энергетика инқирози даврида нефть маҳсулотлари импортига бўлган қарамлик билан кураш мамлакатдаги энергия ресурсларини диверсификация қилишнинг бошланишига туртки бўлди. XX асрнинг 80-йилларида Япония муқобил энергия манбалари улушини сезиларли даражада оширди ва энергетика хавфсизлиги сиёсатини юритишга муваффақ бўлди. Ҳукумат нефтни импорт қилишни чеклаб, нефтга қарамликни 1973 йилдаги 78 фоиздан 1990 йилда 57 фоизгача камайтиришга эришди ва атом энергиясини умумий энергия истеъмолидаги улуши 1970 йилдаги 1,6 фоиздан 1995 йилда 34 фоизгача кўтарилди, шунингдек, бу даврда табиий газ улуши 1,5 фоиздан 22,4 фоизга ошди¹².

90-йилларда энергия бозорларини қисман либераллаштириш юз берди. 1990 йиллар охирида энергетика сиёсатининг асосий вазибалари энергия самарадорлигини ошириш, миллий энергия ресурслари базасини, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларини жадал ривожлантириш ва энергия соҳасида халқаро ҳамкорликни рағбатлантиришдан иборат эди¹³.

2002 йил 7 июнда Япония парламенти “Энергия сиёсатида асосий қонун” (エネルギー政策基本法 – “Энэруги сэйсаку кихон хо”) ва кейинги йилнинг октябрь ойида “Энергетика соҳасидаги таянч дастур”ни қабул қилди. Ушбу ҳужжатларда Япония миллий энергетика хавфсизлигини таъминлаш вазибалари ва усулларининг асосий ёндашувлари шакллантирилди. Мамлакатнинг энергетика сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат, деб белгиланди: “барқарор таъминотга

¹⁰ Санчирова К.В. История японского рынка энергоресурсов и современные тенденции его развития. http://uecs.ru/index.php?option=com_flexicontent&view=items&id=4950.

¹¹ Дрякин А.Б. Эволюция энергетической политики Японии и российско-японские отношения в сфере энергетики во второй половине XX - начале XXI века, 2015.– С. 83. URL:http://scjournal.ru/articles/issn_1997-292X_2015_10-1_19.pdf

¹² Japan's oil dependency statistics. http://tonto.eia.doe.gov/country/country_energy_data.cfm?fips=JA

¹³ Дрякин А.Б. Эволюция энергетической политики Японии и российско-японские отношения в сфере энергетики во второй половине XX - начале XXI века, 2015.– С. 84. URL:http://scjournal.ru/articles/issn_1997-292X_2015_10-1_19.pdf

эришиш”, “экологик хавфсизлик” ҳамда “бозор механизмларини ривожлантириш ва улардан фаол фойдаланиш”¹⁴.

Япония энергетика сиёсатининг шакллантириш жараёни асосий иштирокчилари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Вазирликлар ва идоралардан иборат марказий ҳукумат;
2. Йирик компаниялардан ташкил топган молиявий ва саноат гуруҳлари;
3. Префектуралар маъмурияти, шу жумладан муниципалитетлар;
4. Нотижорат ва жамоат ташкилотлари (асосан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга тегишли);
5. Энергетика муаммолари билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотлар.

Марказий ҳукумат энергетика секторини муваффақиятли ишлаши ва ривожланишининг асосий вазифаларини бажаради. Шунингдек, ички бозорда импорт қилинадиган ёқилғи маҳсулотларига нархларни тартибга солиш ва монополист компаниялар фаолиятини мониторинг қилиш ва электр энергиясини мустақил ишлаб чиқарувчилар учун самарали бозор схемаларини ишлаб чиқиш орқали истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб беришни таъминлаш масалаларини ҳам ҳал қилади.

Йирик молиявий ва саноат гуруҳлари кўп тармоқли активларга, шу жумладан кўплаб энергия инфратузилмаси объектларига эга. Бундай гуруҳларга Mitsubishi Corp., Marubeni Corp., Fujitsu Corp. ва бошқалар киради. Электр энергияси энергия ускуналарини ишлаб чиқариш, янги энергия технологияларини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ва ишбилармонлик ишлари уларнинг асосий қизиқишларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Электр энергияси савдосида энергия монопол компаниялари билан боғлиқ бўлмаган молиявий-саноат гуруҳларининг улуши мамлакат бўйича ушбу кўрсаткичнинг 16% ни ташкил қилади¹⁵.

Японияда 47 та префектура мавжуд бўлиб, 10 та энергия монополист компаниясининг мажбурият доиралари маъмурий чегараларга мос келмайди, шунинг учун минтақавий ҳокимиятларнинг энергия таъминоти масалалари бўйича бир-бири билан ва энергия компаниялари билан тезкор алоқаси жуда муҳимдир. Қарорларни қабул қилишда чалкашлик ва сустлик 2011 йил март ойида юз берган Фукусима АЭСидаги авария оқибатларини янада кучайтирди. Кейинчалик, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунга (1999

¹⁴ White Book of Energy. Agency for Natural Resources and Energy. <http://www.enecho.meti.go.jp/about/whitepaper/2004html>

¹⁵ IEEJ Economic and Energy Outlook of Japan through FY 2018. 25 July 2017. URL: <https://eneken.ieej.or.jp/data/7549.pdf>



йилдаги) минтақавий энергетика сиёсати масалаларида жиддий ўзгаришлар киритилди, кўп йўналишларда префектураларнинг ваколатлари кенгайтирилди¹⁶.

Япониядаги нотижорат ва жамоат ташкилотлари Европа Иттифоқи ёки АҚШда бўлгани каби катта кучга эга эмас, аммо улар қарорларни маҳаллий даражада қабул қилишга таъсир қилиши мумкин. Буни, масалан, янги электр станциялари ёки бошқа инфратузилма объектларини қуриш учун ер ажратиш масалаларида қўриш мумкин. Японияда қурилиш учун ер участкаларини ажратиш масаласи жуда долзарбдир, шунинг учун ҳар бир лойиҳани муҳокама қилишда нафақат давлат органларининг вакиллари, балки турли нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳам иштирок этадилар.

Илмий институтлар ва бошқа илмий-тадқиқот ташкилотларининг Япониянинг энергия сиёсатини ривожлантириш йўналишларини назарий жиҳатдан асослашдаги роли жуда катта. Масалан, Асосий энергия режасининг янги наشريни ишлаб чиқишда Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги Япониянинг Энергетика Иқтисодиёти институти, Шимоли-Шарқий Осиёнинг Иқтисодий Тадқиқотлар Институти, Осиё-Тинч океани Энергетика тадқиқотлари маркази ва бошқалар билан фаол ҳамкорлик қилди.

2014 йилда Энергетикани ривожлантиришнинг тўртинчи стратегик режаси ва унинг негизида 2015 йилда энергия соҳасида узок муддатли истиқболга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Дастурнинг устувор йўналишлари энергетика хавфсизлиги, иқтисодий самарадорликни таъминлаш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан иборат.

Стратегик режага мувофиқ Япония ядро энергетикаси 2030 йилга келиб электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг 20-22 фоизини таъминлайди. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда энергетика хавфсизлиги ва зарарли чиқиндиларни камайтириш масалалари диққат билан ўрганилмоқда. Режада шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳақида ҳам сўз боради. Унга кўра атом энергетикаси ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш импорт қилинадиган ёқилғиларни қисқартиришни кўзда тутди.

Дастурнинг асосий мақсади атом энергияси ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилди. 2030 йилга қадар ядро энергетикаси ва қайта тикланадиган энергия манбаларининг мамлакат асосий энергия балансидаги улуши мос равишда 20-22 фоиз ҳамда 22-24 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган.

¹⁶ Sasaki A. Local Self- Government in Japan. Presentation Materials, May 2014. URL: http://www.soumu.go.jp/main_content/000295099.pdf



Шу билан бирга, дастурда нефтнинг мамлакат энергия балансидаги улуши 2030 йилга келиб 8 фоизнигина, суюлтирилган газ улуши 27 фоизни, кўмир 26 фоизни ташкил этиши белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда Япония табиий газнинг дунёдаги энг йирик импортёрларидан бири саналади. Умуман олганда, хориждан импорт қилинадиган энергиянинг улуши бутун маҳсулотлар умумий импортининг 21% ни ташкил этади. Уларнинг 9,5 фоизи – нефть, 5,2 фоизи – табиий газ, 3,4 фоизи – кўмир, 2,1 фоизи – нефть маҳсулотлари, 0,8 фоизи суюлтирилган углеводородлардир¹⁷. Японияга энг йирик табиий газ етказиб берувчилар Австралия, Малайзия, Қатар, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари ҳисобланади. Бироқ, Яқин Шарқдан табиий газ етказиб келиш муаммолари нафақат транспорт харажатларининг юқорилиги, балки Аден кўрфази ва Малакка бўғозида кемаларни турли жинойий гуруҳлар томонидан эгаллаб олиниши эҳтимоли хавфи билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун, импорт бозорларини диверсификация қилиш мақсадида Япония бошқа мамлакатлардан жумладан, Россия ва АҚШдан табиий газ етказиб беришни таъминлашга алоҳида аҳамият беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Япониянинг энергетика сиёсати энергия манбаларининг диверсификациясини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Энергия хавфсизлиги ва иқтисодий самарадорликни таъминлаш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш устувор йўналишлардан биридир. Ҳукумат томонидан энергетика сиёсати институтларини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган чоратадбирлар, соҳани молиялаштириш асосан энергия таъминотидаги танқисликни бартараф этишга, қаратилган бўлиб, янги ва қайта тикланадиган энергияни комплекс ривожлантириш каби узоқ муддатли муаммоларни ҳал қилишга эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга, Япония энергетика сиёсатида қабул қилинган халқаро мажбуриятларга (масалан, Киото протоколи ва иқлим тўғрисидаги Париж келишуви), шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан шартнома муносабатларини аниқ ва изчил қилишга алоҳида эътибор қаратиб келаётганлигини таъкидлаш жоиз.

¹⁷ Japanese Trade and Investment Statistics. Japan External Trade Organization. URL: <https://www.jetro.go.jp/en/reports/statistics.html>